

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент молия институти

“Бюджет ҳисоби” кафедраси

**“Давлат бюджети Ғазначилик ижросида
касса ижросини тартиби”**

мавзусидаги

РЕФЕРАТ

Тошкент - 2016

РЕЖА :

Кириш.

1. Давлат бюджетининг ижроси

1) Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи

2) Ҳазначилик жорий этилгунга қадар, харажатларнинг амалга ошириш асослари

2. Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижроси

3) Ҳазначилик тизими мақсади ва асосий вазифалари

4) Давлат бюджети Ҳазначилик тизими касса ижроси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иқтисодиёт соҳасида асосий эътиборни институционал ўзгаришларга, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, рақобат муҳитини шакллантиришга қаратмоғи даркор.

И.А.Каримов

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўтиш даврида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсадлари бозор механизмларига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш воситасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборатдир.

Албатта бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчилик ролини сақлаб қолиши ҳурматли президентимиз И.А. Каримов томонидан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош принципларидан бири сифатида белгилаб берилган. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчилик ролини ўйнаши, ўтиш даври қийинчиликларидан аҳолини кам таъминланган қатламлари учун ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантириш учун зарурий марказлаштирилган пул фондларига эҳтиёж сезади.

Иккинчи томондан бозор иқтисодиёти шароитида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пулли муносабатлар воситасида мамлакат миллий иқтисодиётидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини юқори даражада сифат ва миқдор кўрсаткичлари самарадорлигига давлат томонидан иқтисодий таъсир кўрсатишнинг муҳим молиявий дастакларига эга бўлади.

I. Давлат бюджетининг ижроси ҳақида

1. Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;
- жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- капитал харажатлар шаклида;
- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Айтиб ўтиш керакки, алоҳида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркиби бир хил бўлмайди ва шу минтақадаги турли даражада бўлган хўжалик ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Давлат бюджетининг тгла ҳажмда молиялаштирилдиган биринчи навбатдаги харажатларга иш ҳаёи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, нафааалар, овиатланиш ва доридармонларни сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлар киритилди.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа

бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Биз бюджет ташкилоти деганда зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилотини тушунамиз.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман молия бўлимлари мудирларининг зиммасига бюджет харажатларини молиялаштиришнинг янги тартибига биноан қуйидагилар юклатилган:

-тасдиқланган бюджет параметрлари ва харажатлар сметалари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳларга киритилган тўловларни биринчи навбатда ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш;

- учинчи гуруҳ бўйича капитал қўйилмалар харажатларини инвестиция дастурига киритилган объектларнинг манзилли рўйхатлари бўйича ўрнатилаган молиялаштириш режалари доирасида амалга ошириш;

-харажатларнинг тўртинчи гуруҳига киритилган устувор тўловлар, озик -овқат ва дори-дармонлар сотиб олиш харажатларини биринчи ва иккинчи гуруҳ тўловлари тўлиқ амалга оширилгандан кейингина молиялаштириш;

-бошқа моддалар бўйича харажатларни (капитал қўйилмалар, сафар ва ўқув харажатлари, коммунал хизматлар, хўжалик харажатлари, юмшоқ ва

бошқа жиҳозлар сотиб олиш, капитал таъмирлаш ва бошқа харажатлар) юқоридаги тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг даромадлар тушумига қараб молиялаштириш;

-хизмат курсатувчи тижорат банклари томонидан харажатларни нақд пул билан таъминлашнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, уч кун ичида тижорат банкларига нисбатан хўжалик судларига бюджетга келтирилган зарарни қоплаш учун белгиланган тартибда даъво аризалари киритиш;

-ҳуқуқий шахс мақоми берилган бюджет ташкилотларининг фаолиятларини мустақил равишда амалга оширишлари учун керакли ташкилий-иқтисодий чоралар кўриш.

Бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган меъёрлари ва лимитлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномаси, тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибига ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилномаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади. Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш меъёрлар бўйича харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

- I. Иш ҳақи, болали оилаларга нафақалар, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам, стипендиялар, пенсиялар.
- II. Иш ҳақиға қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар.

IV. Бошқа харажатлар.

Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

2) Ҳазначилик жорий этилгунга қадар, давлат бюджетининг касса ижросини тартиби ҳақида.

Давлат бюджети даромадлари Бюджет кодексига, солиқ, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилади. Ҳисоблаб чиқарилган, бироқ жорий йилнинг ўттиз биринчи декабригача Давлат бюджетига тўланмаган даромадлар келгуси йилда Давлат бюджетига ўтказилиши керак.

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари уларнинг ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади.

Бу босқичда белгиланган тартибда ва чегараланган маблағлар доирасида тасдиқланган харажатлар сметасига асосан қабул қилинган бюджет мажбуриятларини тўлови амалга оширилади. Давлат бюджетидан мажбуриятларнинг тўлови белгиланган тартибда расмий-лаштирилган бюджет маблағи олувчиларининг тақдим қилган ва бюджет мажбуриятлари ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида харажатлар амалга оширилади.

II. Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижроси ҳақида

1) Давлат бюджети Ҳазначилик тизими асосий вазифалари ва мақсади.

2004 йил 26 августда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон республикаси Давлат бюджетининг , давлат мақсадли жамғармаларининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

- Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;

- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

2) Давлат бюджети Ғазначилик тизими касса ижроси тартиби

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принципи кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳи собварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

Давлат бюджети Ғазначилик тизими касса ижросини амалга оширилиш тартиби қуйидагича бажарилади:

1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасини белгиланган тартибда қабул қилиш ва Дастурга киритиш.

- Молия органларида рўйхатдан ўтказилган бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасини расмийлаштириш.

- Харажатлар сметасида база харажатларини (индексациясиз) ва индексация харажатлари иловаларини, шунингдек харажатларни ойма-ой

тақсимотини, йил мобайнида харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришларни Дастурга киритиб бориш.

2. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш.

- Адлия вазирлигидан 21.05.2005 майда 1475-сон билан рўйхатдан ўтган Вақтинчалик Низомга асосан шартнома, унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар. Уларга илова қилинган хужжатларнинг биттдан асл ва кўчирма нусхаларини қабул қилиш, Низомнинг 2-иловасига асосан тўлов жадвалининг тузиш ва унинг шартномадаги маълумотларга, харажатлар сметасидаги ойма-ой тақсимотига мос ҳолда расмийлаштириш.

- Шартнома қабул қилингандан сўнг 3 кун муддат ичида текшириб Дастурга ўз вақтида киритиш.

- Шартнома (ўзгартириш ва қўшимча) ларда Молия вазирлиги ва Ҳазначилиги ва унинг бўлинмалари тамғаси, муҳри ва мансабдор шахс имзоси, рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси билан тасдиқлаб бериш.

- Шартномаларни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида назарда тутилган талаблари бўйича мослигини куриб чиқиш, акс ҳолда ушбу шартномани қайтариш ва тўғри кўрсатмалар бериш.

- Шартномаларни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан тузилганлигини талаб қилиш.

3. Молиявий мажбуриятлар (ҳисоб-фактура) билан боғлиқ хужжатларларни белгиланган тартибда расмийлаштириш.

- Тақдим қилинаётган ҳисоб-фактураларни ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатга олинган йўриқнома талабларига мос ҳолда эканлигини талаб қилиш ва Дастурга киритиш.

4. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан пул маблағлари тказилиши қуйидаги талабларга асосланган тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида ва бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг банк ҳисобрақамларида мавжуд бўлган, харажатларнинг тегишли гуруҳлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;

- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

- товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;

- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;

- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса.

Етказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар) учун харажатларни тўлаш бўйича тўловларни, шу жумладан бўнак тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олувчилар молия органига белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини қуйидаги тарзда тақдим этадилар:

а) бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига битта банк муассасасида хизмат кўрсатилса, тўрт нусхада. Тўлов топшириқномаларининг биринчи ва тўртинчи нусхалари бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланади ва бюджетдан маблағ олувчининг муҳри изи билан тасдиқланади;

б) бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига турли банк муассасаларида хизмат кўрсатилса, уч нусхада. Тўлов топшириқномаларининг биринчи ва учинчи нусхалари бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланади ва бюджетдан маблағ олувчининг муҳри изи билан тасдиқланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар ўз харажатларини тўлаш учун молия органига маблағларни ўз банк ҳисобрақамларидан ўтказиш учун тўлов топшириқномалари, ҳисобварақ-фактуралар ёки товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлигини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар. Бўнак тўлови ҳисобига маблағларни тўлаш учун бюджетдан маблағ олувчи бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларга биноан тўлов топшириқномасини тақдим этади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни текшириш, шунингдек тўлов топшириқномаларини ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка топширишни молия органлари, қоидага кўра улар тақдим этилган кунда амалга оширадилар.

Молия органлари бюджетдан маблағ олувчи тақдим этган, Вақтинчалик низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг Вақтинчалик низом 9-бандининг талабларига мувофиқлиги масаласида текширадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келса, молия органи тўлов топшириқномаси биринчи ва тўртинчи (агар тўлов топшириқномалари мазкур Вақтинчалик низом 10-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ тақдим этилса, учинчи) нусхаларининг орқа томонига “Текширилди” ёзувини қўйиш йўли билан тўлов топшириқномаларига тегишли белгиларни қайд этади, уларни молия

органининг мансабдор шахси ўз имзоси ва молия органи мухри изи билан тасдиқлайди.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган тўлов ва бошқа ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келмаса, молия органи уларни бюджетдан маблағ олувчига қайтариб, тўлов топшириқномаларининг орқа томонига уларга белги қўймасдан, мувофиқ эмаслик сабабларини кўрсатади.

Счет-фактуралар ва бюджет маблағини олувчиларга маҳсулот етказиб берилганлиги (ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги) ҳамда бюджет маблағари олувчиларининг маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи борлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджет маблағларини олувчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга аванс тўлови тўлаш мажбурияти мавжудлигини исботловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

Тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг номи ва реквизитлари рўйхатдан ўтказилган шартномада кўрсатилган ном ва реквизитлар билан мослигини.

Мазкур талаблар барчаси қондирилган ҳолда, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномасини “Ғазначилик-4” Дастурига киритади ва «СОХРАНИТЬ» тугмачасини босиш орқали сақлайди.

Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг ваколатли масъул ходими тўлов топшириқномасидаги маълумотларни тўғрилигини текширади, тўлов топшириқномасининг орқа томонига “текширилди” деб тамға босади.

Шундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномасини рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими бошлиғига тақдим этади, у эса бу ҳужжатлари текшириб, “Ғазначилик” Дастурида шакллантирилган электрон тўлов топшириқномасини тасдиқлайди ва Ҳудудий Ғазначилик бўлини маси бошлиғига тақдим этади.

Худудий Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ҳам ўз навбатида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, тўлов топшириқномаси ва электрон тўлов топшириқномаси билан мослигини текширади, хато ва камчиликлар аниқланмаган ҳолда, тулов топшириқномасининг орқа томонига ўз имзоси ва муҳри билан тасдиқлайди ва реестрини имзо ва муҳр билан тасдиқлаб ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади.

Бунда Реестрларни молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган ҳар бир банк бўйича алоҳида тузади.

Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг барча нусхалари ва Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномалари реестрининг икки нусхасини молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган тегишли банкка топширади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов топшириқномалари Реестрлар маълумотлари билан солиштирилганидан ва молия органининг бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномаларида белгиси мавжудлигини текширганидан сўнг, Реестрнинг биринчи нусхаси тегишли тўлов топшириқномалари билан бирга банкда қолади, Реестрнинг банк штампи ва банк масъул ходимининг имзоси қўйилган иккинчи нусхаси эса молия органига қайтарилади.

Тўлов топшириқномаси ижросидан кейин хизмат кўрсатувчи банк тўлов топшириқномаларининг ҳамма нусхаларига ва Реестрнинг тегишли сатрларида ижро этилган тўлов топшириқномалари қаршисига тўлов тўғрисида штамп қўяди.

Тўловдан сўнг:

а) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномаларининг тўрт нусхаси тақдим этилган тақдирда:

➤ биринчи нусхаси Реестр билан бирга банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

➤ иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

➤ учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига топшириш учун молия органига топширилади;

➤ тўртинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек тўлов топшириқномасининг учинчи ва тўртинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг учинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси нусхаси ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси молия органида қолади;

б) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномасининг уч нусхаси тақдим этилган тақдирда:

➤ биринчи нусхаси Реестр билан бирга банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

➤ иккинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобрақамидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига топшириш учун молия органига топширилади;

➤ топшириқноманинг учинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек тўлов топшириқномасининг иккинчи ва учинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси нусхаси ва тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси молия органида қолади.

Бюджетдан маблағ олувчилар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва уларга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва донорларга тўловларни тўлашга нақд пулларни олгандан сўнг кейинги кунда молия органига Вақтинчалик низомга 4-сон иловага биноан шаклда ана шу мақсадларга ва харажатларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳлари бўйича амалга оширилган бошқа

харажатларга олинган нақд пул маблағларининг суммалари тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

Хулоса

Биз Ўзбекистон Республикасида молиявий назоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган бюджет назоратининг назарий ва ҳуқуқий асосларига, унинг зарурлиги ва моҳияти, турлари ва усуллари таҳлиliga таянган ҳолда ушбу мавзунини ёритишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бозор талабаларига жавоб бера оладиган миллий бюджет тизими шакллана бошлади. Авваламбор, бюджет тизимининг ҳуқуқий асоси бўлган Конституция қабул қилинди, бюджет сиёсатининг институционал асослари бўлган давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий мақоми, молия-бюджет сиёсати соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилди.

Конституцияда мустаҳкамланган маҳаллий ҳокимиятларининг мустақиллиги, молия соҳасида қатъий ўзгартиришларни ва давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-бюосқич жорий этиш йўналишларини тадқиқ этишни талаб қилади.

Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда бюджет назоратини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятли томонларини кўйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган тушумни таъминлаш;

Иккинчидан, аҳолини биринчи навбатидаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш;

Учинчидан, ишбилармонлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиб бериш зарурдир.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан молиявий назоратнинг дастлабки ва жорий шакллари самарадорлиги кескин орттирилиши таъминланади.

Бунда шартномаларни тузиш жараёнида ҳали шартнома юридик кучга эга бўлмай туриб унинг назорати амалга оширилади. Бу эса, қонун бузилиши ҳолатлари юз бергандан сўнг айбдорларни топиб жазолашга қаратилган назоратдан воз кечиб, қонун бузилиши ҳолати юз беришидан аввал унинг олди олинишини таъминлайди. Бюджет маблағларини олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчилар) билан тузилаётган шартномалари сметада назарда тутилган маблағлар доирасида тузилиши таъминланиши, шунингдек, тўловларнинг фақат ғазначилик томонидан рўйхатга олинган шартномалар бўйича сметада кўзда тутилган маблағлар қолдиғидан келиб чиқиб тўланиши бюджет маблағини олувчилар кредиторлик қарзларини минималлаштиришга хизмат қилади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин орттириш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини тезлатиш ва ҳисоботларнинг сифатини яхшилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг јазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўјрисида» еарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби».
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёазначилиги тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.
7. Ўзбекистон Республикасида пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 октябрда 496-сон билан рўйхатга олинган).
8. Касса операцияларини юридик шахслар томонидан юритиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган).
9. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган).
10. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1,2,3-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
11. Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш

тартиби тўғрисидаги вақтинча Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

12. Хайдаров М., Сувонқулов А., Сугирбаев Б., Нурматов Б. “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими” – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2010.

13. Хайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. Т. “Академия”, 2005.

14. Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Исаев О. Государственный бюджет. Учебное пособие.- Т.: “IQTISOD- MOLIYA”, 2008 г. 112 стр.

15. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.

16. Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008.

17. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш». Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” 2007.

18. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. “Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш” Т.: “infoCom.uz МЧЖ” 2010.

19. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2008

20. Қосимова Г., Шоакрамов Қ.“Маҳаллий бюджетлар”. Ўқув қўлланма. Т.: “Молия”, 2012 й. 260 бет